



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QO‘MITASINING
QARORI**

2020 у. « 30 » ноябрь

№ 43

**“Тайёр қурилиш маҳсулотлари кўрсаткичларини
шакллантириш бўйича услубий низом”ни
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Тайёр қурилиш маҳсулотлари кўрсаткичларини шакллантириш бўйича услубий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор тасдиқланган кундан кучга киради.

Раис

Б. Бегалов

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил __ _____даги __ сонли
қарорига

Илова

Тайёр қурилиш маҳсулотлари кўрсаткичларини шакллантириш бўйича услубий
низом

Тайёр қурилиш маҳсулотлари кўрсаткичларини шакллантириш бўйича услубий низоми (кейинги ўринларда - Услубий низоми) қурилиш фаолияти натижасида барпо этилган бино ва иншоотлар, турли фаолият турлари бўйича қувватлар ҳамда объектларни фойдаланишга топширилиши тўғрисидаги статистик маълумотларни шакллантириш тартибини белгилаб беради.

Услубий низоми тайёрлашда қурилиш фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, “Миллий ҳисоблар тизими - 2008” қўлланмаси таърифлари ва айрим давлатлар тажрибаларидан фойдаланилди.

Ушбу Услубий низоми давлат статистика органлари томонидан фойдаланишга топширилган қувватлар ва объектлар бўйича статистик маълумотларни шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

I. Тайёр қурилиш маҳсулотлари кўрсаткичларининг статистик ҳисоби

1. Тайёр қурилиш маҳсулотлари қурилиши тугалланган ва белгиланган тартибда фойдаланишга топширилган ҳамда бошқа жойга кўчиришда асосий хусусиятларга зарар етказмасдан кўчиришнинг иложи бўлмаган турар ва нотурар жой бинолари, иншоотлар, барча турдаги фаолият турлари объектлари ва қувватларини ўз ичига олади.

2. Бинолар функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажми ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими ҳисобланади.

3. Бинолар функционал фойдаланиш мақсадига кўра турар ва нотурар жой биноларига бўлинади:

- турар-жойлар узок муддат фойдаланишга мўлжалланган, камида ярим қисми одамларни доимий яшашига мўлжалланган, барча ёрдамчи иншоотлар ва ободонлаштириш элементлари жойлашган маълум чегаралар билан белгиланган ер майдонида жойлашган бинодан ташкил топади. Турар жойларга уй-жойлар ва доимий турдаги ётоқхоналар, ногиронлар учун интернат уйлар, ёлғиз қолган қариялар ва болалар уйлари киради. Турар жойлар ҳисобига фуқароларнинг яшаш муддатидан қатъий назар мавсумий ёки вақтинча яшаш учун мўлжалланган бинолар қирмайди;

- нотурар-жойларга меҳнат қилиш учун шароитлар яратиш, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, моддий бойликларни сақлаш ва бошқа мақсадларга мўлжалланган бинолар киради.

4. Иншоотлар ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юклар ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизик тарзидаги ер тепасида, ер юзасида ва ер остида жойлашган қурилиш тизимидан ташкил топади. Иншоот сифатида қабул қилинадиган объект, унинг ажралмас қисмлари ҳисобланган барча қурилмаларини қўшган ҳолда ҳар қандай алоҳида иншоот бўлиши мумкин. Мисол учун, белгиланган чегаралардаги автомобил йўли, ер усти истеҳкомлари, устки қоплама ва йўл шароитлари (йўл белгилари ва ҳоказо), тўсиқлар, ҳаракатланиш жойлари, сув оқавалари, узунлиги 10 метрдан кўп бўлмаган кўприкларни ҳам ўз ичига олади.

5. Шунингдек, қуйидагилар ҳам иншоот сифатида кўрилади:

- қурилиши тугалланган энергия ва ахборот узатишга мўлжалланган қурилмалар (электр узатиш, марказлашган иссиқлик узатиш линиялари, турли мақсадларга мўлжалланган қувур тармоқлари, алоқанинг кабель линиялари);

- махсус алоқа тизимлари иншоотлари ва бошқа қатор объектлар, ўриндош муҳандислик таъминоти мажмуаларини қўшган ҳолда;

- аҳоли яшаш жойлари ва шаҳарлараро ҳудудларнинг барқарор ривожланиши ва фаолият кўрсатишини таъминловчи бошқа муҳандислик-транспорт инфратузилмаси объектлари.

II. Тайёр қурилиш маҳсулотлари кўрсаткичларини ҳисоблашнинг маълумотлар манбалари

6. Тайёр қурилиш маҳсулотлари тўғрисида йилда бир марта аниқ маълумотлар қуйидаги давлат статистика ҳисоботи ва кузатувлари асосида шакллантирилади:

а) 1-invest (asosiy) shakli (йиллик) “Инвестиция фаолияти, бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш тўғрисида ҳисобот” - барча иқтисодий фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар, қурилиш хўжалик бошқарув органларини қўшган ҳолда (кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликларидан, нотижорат ташкилотлардан ташқари) тақдим этадилар;

б) 1-kb (qurilish) shakli (йиллик) “Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига йўналтирилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот” - бино ва иншоотлар қурилишига инвестицияларни амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар тақдим этадилар;

в) 1 - qurilish (jismoniy) shakli (йиллик) “Жисмоний шахслар томонидан якка тартибда қурилган турар жойларни ва нотурар биноларни фойдаланишга топшириш тўғрисида ҳисобот”- Кадастр агентлигининг шаҳар, туман органлари тақдим этадилар;

г) 1 - tj so'rovnomasi (бир марталик) “Фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойни танлама кузатув сўровномаси”- статистика органлари томонидан ўтказиладиган кузатув.

7. Тайёр қурилиш маҳсулотлари тўғрисидаги чораклик кўрсаткичлар қуйидаги маълумотлар асосида шаклланади:

А) 4-invest (asosiy) shakli (чораклик) “Инвестиция фаолияти, бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш тўғрисида ҳисобот” - барча иқтисодий фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар, қурилиш хўжалик бошқарув органларини қўшган ҳолда (кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлардан, нотижорат ташкилотлардан ташқари) тақдим этадилар;

Б) 4- qurilish (jismoniy) shakli (чораклик) “Жисмоний шахслар томонидан якка тартибда қурилган турар жойларни ва нотурар биноларни фойдаланишга топшириш тўғрисида ҳисобот” - Кадастр агентлигининг шаҳар, туман органлари тақдим этадилар;

В) 4-qurilish (ijtimoiy soha) shakli (чораклик) “Ижтимоий соҳа объектлари қурилиши тўғрисида ҳисобот” - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимиятлари, Тошкент шаҳар инжиниринг компаниялари ва бошқа юридик шахслар (Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат асосида) тақдим этадилар.

III. Тайёр қурилиш маҳсулотлари кўрсаткичларини шакллантириш

8. Статистика ҳисоботи шаклларида ишлаб чиқариш қувватлари, турар жой ва ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасига асосланиб маълумотлар кўрсатилади.

9. Турар-жой қурилиши бўйича ишга туширилган асосий фондлар, инвестициялар ва қурилиш монтаж ишлари таркибига турар жойлар ёнига, ичига қурилган савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш (асбоб-ускуна, унинг монтаж ишлари ва ушбу ташкилотлар учун бинога пардоз бериш қийматидан ташқари) ташкилотларини жойлаштириш учун мўлжалланган нотурар биноларнинг қийматини қўшган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

10. Ишга туширилган хонадонлар ва ётоқхоналарнинг умумий майдони, уларнинг хоналари, омборлари, ўрнатилган жавонлари, шунингдек, ёзги хоналар ва совуқ омборлари, пешайвонлари, болахона ва айвонлар майдонлари йиғиндиси сифатида ҳисобланади. Ётоқхоналар ва интернат уйларининг умумий майдони эса қўшимча хоналар ва жамоат учун мўлжалланган хоналар, шунингдек, ёзги хоналар турар жой хоналари майдони йиғиндиси сифатида аниқланади. Қўшимча ва жамоат

учун мўлжалланган хоналарга холлар, вестибюль, шахсий буюмлар, спорт ва хўжалик анжомлари сақланадиган хоналар, ошхона, буфет, дам олиш, маданий-оммавий тадбирлар, маиший хизмат кўрсатиш хоналари киради.

11. Фуқаролик аҳамиятига эга бўлган турар жой объектларини, секциялар бўйича фойдаланишга топшириш ҳолларида эса, бинолар сони объект курилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилгандан сўнг қўйилади. Мавжуд объектларга ташки курилмалар умумий объект (бино)дан фарқли функцияга мўлжалланган ҳоллардагина улар алоҳида бино сифатида ҳисобга олинади. Иссиқлик қозонхоналарининг алоҳида турган бинолари, шунингдек, ҳовлидаги иморатлар (омборхоналар, гаражлар) мустақил объектлар ҳисобланади. Қўшиб курилган бинолар ва дўкон, ошхона, сартарошхона, ателье ва ҳоказоларга мўлжалланган бинолар, бошқа мақсадда курилган бўлсада, асосий бино таркибига киради. Агар бинолар бир-бирига ёпишган ва умумий деворга эга, аммо уларнинг ҳар бири мустақил конструкцияга эга бўлса, улар алоҳида бинолар, деб ҳисобланади ва мос равишда ҳисобга олинади.

12. Ишга туширилган турар-жойлар тўғрисидаги маълумотлар уларнинг каватлилиги, асосий девор материали тури ва жойлаштирилган хоналар сони бўйича гуруҳларга ажратилади.

13. Турар-жойларни ишга тушириш кўрсаткичлари таркибида, ишга туширилган турар-жойлар сони билан бир қаторда, хонадонлар сони ҳам ҳисоб-китоб қилинади. Хонадон деганда, доимий яшаш учун фойдаланиладиган ва жиҳозланган, бошқа турар-жой хоналаридан ажратилган ҳамда ўзи учун алоҳида зинахонага, умумий йўлакка ёки бевосита ташқарига чиқиш имкони мавжуд хоналар тушунилади.

14. Нотурар-жойларни ишга тушириш коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, сайёҳлик, таълим, маданият ва санъат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, шунингдек бошқа ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ишга тушириш кўрсаткичларидан ташкил топади.

15. Сув қувурларининг ишга туширилиши иккита ўлчов бирлигида кўрсатилди:

- сув қувури қуввати, минг куб.м. суткада (сув беришни аниқловчи сув қувури иншоотининг ўтказиш қобилятидан келиб чиққан ҳолда);

- сув ўтказгичлар ва кўча тармоқларининг узунлиги, километрда (сув ўтказгич ва тармоқларнинг умумий узунлиги бир ипда ётқизилган ҳамма қувурлар узунлиги бўйича бирламчи ҳисобда аниқланади, агар қувурлар бир неча қаторда ётқизилган бўлса, унда узунлик ҳамма қаторларнинг умумий узунлиги бўйича аниқланади.

16. Канализация объектлари бўйича тозалаш иншоотлари, сув ўтказиш станциялари, кўча тармоқлари, коллекторлар ва канализациянинг бошқа объектларини ишга тушириш бўйича маълумотлар киритилади. Канализация объектларини ишга тушириш бўйича уйлардан чиқариладиган тармоқлари бўйича маълумотлар киритилмайди.

17. Газлаштириш бўйича молиялаштиришнинг барча манбалари, жумладан, аҳоли маблағлари ҳисобидан шаҳарлар ва аҳоли пунктларига қурилган газ тарқатиш станцияларидан чиқувчи газ қувурларини ишга тушириш бўйича маълумотлар киритилади. Газ тармоқлари узунлиги бирламчи ҳисобда, яъни бир йўналишда белгиланади.

18. Иссиқлик таъминоти бўйича шаҳар магистрал ва тарқатилиш иссиқлик тармоқлари, иссиқлик пунктлари, туман иситиш ўчоқлари ва иссиқлик таъминотининг бошқа объектларини ишга тушириш бўйича маълумотлар киритилади.

19. Ишга туширилган касалхоналар бўйича даволаш муассасалари, жумладан, даволаш койкаларига эга бўлган госпиталлар, туғруқхоналар, олий ўқув юртлари клиникалари, поликлиникаларнинг стационарлари, туманлардаги тиббиёт уюшмалари, диспансерлар, тиббиёт-санитария қисмлари ва тиббиёт койкаларига эга бўлган бошқа муассасалар акс эттирилади.

20. Ишга туширилган амбулатория-поликлиника муассасалари сменада қатновчилар сони кўрсаткичи бўйича ҳисоб-китоб қилиниб, уларга даволаш муассасалари, диспансерлар, тиббиёт-санитария қисмлари, амбулаториялар, туманлардаги тиббиёт уюшмалари, аёллар ва болалар тиббий маслаҳатлари киради. Шунингдек ишга туширилган қишлоқ врачлик пунктлари бўйича ҳам бир сменадаги қатнов сони кўрсаткичи ҳисобланади.

21. Шунингдек, соғлиқни сақлаш объектлари таркибига, аҳолига бевосита тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соғлиқни сақлаш объектларининг тиббиёт муассасалари ҳам киритилади. Мисол учун, санэпидемстанциялар, қон қўйиш станциялари, карантин станциялари, судмед экспертиза объектлари ва бошқалар.

22. Бошқа объектлар бўйича давлат инвестиция дастурларини амалга оширишда қатнашувчи давлат эҳтиёжи учун корхоналар ва объектлар, бутловчи импорт асбоб-ускуналар негизда амалга ошириладиган барча объектлар, озиқ овқат ва ноозиқ-овқат халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича корхона ва объектлар, шунингдек, ярим тайёр маҳсулотлар, ушбу товарларни ишлаб чиқариш учун керакли қисмлар, деталлар ва бутловчи буюмлар, жумладан, электр маиший асбоблар, тикув ва трикотаж буюмлари, газламалар, телевизорлар, магнитофонлар, совутгичлар ва бошқалар, умумтовар омборлари, картошка, мева ва сабзавотлар учун омборларни қўшган ҳолда, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда майда чакана савдо тармоқларини қўшган ҳолда бошқа савдо объектларини ишга туширилишида, объектларнинг лойиҳа қуввати асосида маълумотлар акс эттирилади.

Тайёр қурилиш маҳсулотлари кўрсаткичларини шакллантириш схемаси иловада келтирилган.

IV. Тайёр қурилиш маҳсулотлари кўрсаткичларини физик ҳажм индексини ҳисоблаш

23. Тайёр қурилиш маҳсулотлари кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва динамик қаторларни тузиш учун нисбий кўрсаткич – тайёр қурилиш маҳсулотлари **физик ҳажм индекси** қўлланилади.

24. Тайёр қурилиш маҳсулотлари физик ҳажм индексини ҳисоблаш таққосланаётган даврлардаги натура кўринишидаги кўрсаткичларни солиштириш йўли билан қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$I_{f.o.} = (V_1 : V_o) \times 100,$$

бу ерда,

$I_{f.o.}$ – физик ҳажм индекси, % да;

V_1, V_o – ҳисобот даври ва ўтган йилнинг тегишли даври учун ишга туширилган тайёр қурилиш маҳсулотлари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси // Тошкент, 2002.
2. Система национальных счетов 2008. Европейская комиссия, Международный валютный фонд, Организация экономического сотрудничества и развития, Организация объединенных наций, Всемирный банк // Нью-Йорк, 2012.
3. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНҚ 4.01.16-04) Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нарҳда аниқлаш қоидалари // Ташкент, 2004.
4. Методологические положения по статистике. Вып. 5. // Федеральная служба государственной статистики России // М., 2006.

Тайёр қурилиш маҳсулотлари кўрсаткичларини шакллантириш схемаси

